

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ

“СТАТИСТИКА” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 31:63(575.1)

АНВАРЖОНОВА НАРГИЗА СОБИТЖОН ҚИЗИ

Қишлоқ хўжалиги ривожланишини статистик баҳолаш (Андижон
вилояти мисолида)

70410801 – Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган




ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
и.ф.д., профессори,
Набиев Х

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Статистика” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

1 - сонли баённома “26” апрел 2023 й.


Кафедра мудир: доц. <u>Аюбжонов А.Х.</u>	<u>ИМЗО</u> 	<u>25.05</u> сана
Илмий раҳбар: проф. <u>Набиев Х.</u>	<u>ИМЗО</u> 	<u>25.05</u> сана
Магистр: <u>Анваржонов Н.С.</u>	<u>ИМЗО</u> 	<u>24.05</u> сана

Диссертация “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети 2023 йил

“ 23 ” 05 ”

№ MSI-01/1 рақами билан рўйхатга олинган.

Факультет декани _____

 проф., и.ф.д. А.У. Бурханов

АННОТАЦИЯ

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унинг ривожланиши мамлакатимиздаги долзарб масалалардан биридир. Шу боис тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича иш олиб бордик. Жумладан мавзуга оид бошқа тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар қарашлари, илмий мақолалари ҳамда мавзуга оид маҳаллий меъёрий хужжатларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрладик. Илмий ишининг амалий аҳамиятини ошириш учун, Андижон вилояти қишлоқ хўжалигини ва ундаги мавжуд муаммоларни, бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қандай ишлар амалга оширилаётганини статистик маълумотлар асосида ўргандик. Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида илмий ва амалий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари, фермер хўжаликлари, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар,

Summary

Agricultural network and its development is one of the urgent issues in our country. Therefore, during the research, we carried out extensive work within the scope of the topic. Among other things, we prepared a review of literature after studying other research works on the topic, views of local and foreign scientists, scientific articles, and local normative documents on the topic. In order to increase the practical significance of the scientific work, we studied the agriculture of the Andijan region and the existing problems in it, based on statistical data, what is being done in the development of the agriculture of the region today. Based on the studied and analyzed information, we developed scientific and practical conclusions, proposals and recommendations on measures to reduce problem assets.

Key words: Organizations engaged in agriculture, agricultural products, livestock products, farms, farmers (personal assistant) farms, agricultural products.

МУНДАРИЖА

Аннотация.....	
Мундарижа.....	
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	
Келтирилган расмлар рўйхати.....	
Келтирилган кискартмалар.....	
Кириш	6
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	6
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	8
Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	9
Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.....	9
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	9
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	11
1.1. Кириш.....	11
1.2. Илмий назарий қарашлар.....	11
1.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	13
II БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	20
2.1. Тадқиқот дизайни.....	20
2.2. Қишлоқ хўжалиги тармоғи фаолиятини ифодаловчи статистик маълумотлар манбаи.....	20
2.3. Статистик таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	26
2.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	30
III БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР	32
3.1. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	32
3.2. Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ривожланишини статистик таҳлили.....	39
3.3. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар.....	52
3.4. Андижон вилояти туманлари кесимида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари.....	56
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	62
Фойдаланилган адабиётлар	67

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Кўпгина мамлакатлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки у аҳоли истеъмол қиладиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан бирга баъзи соҳа тармоқларини хомашё билан ҳам таъминлайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тармоқда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва қулай агробизнес муҳитини яратиш долзарб масалалардан бири саналади. Шу муносабат билан Ўзбекисто Республикаси Президентининг 2019 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”¹ фармон қабул қилинди. Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;

¹ “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони